Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 27-may, seshanba № 64 (3413)

Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир.

Ислом КАРИМОВ

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

...Кўнгироқ жаранги ўғил-қизлар қалбини ҳаяжонга солади. Бу садо кўзлари чарақлаб турган биринчи синф ўқувчилари учун ҳам ардоқли. Энди улар ушбу даргоҳдан коллежу лицейлар томон парвоз қилишга шайланган ака-опаларига ўхшашга, улардек аъло ўқишга, «Билимлар беллашуви» ва фан олимпиадаларида фахрли ўринларни олишга интилади.

Бу садо йиллар давомида ўз фарзандидек бўлиб қолган ўқувчиларидан кўз узолмаётган устозларнинг ҳам дилини ажиб ҳисларга тўлдирган. Ўқувчиларининг чуғурлашиб синфга кириб келган илк кунларидан бошлаб бўйи ўзига тенглашиб, навқирон шахсга айлангунга қадар ўтган вақт уларнинг кўз ўнгида жонланади...

Хайр, мактаб! Салом, коллеж!

Мамлакатимизнинг барча умумтаълим мактабларида ушбу шиор остида тантанали тадбирлар бўлиб ўтди

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг барча умумтаълим мактабларида бўлиб ўтган тадбирлар ўқитувчи-ю ўқувчилар, ота-оналар учун эсда қоларли дамларни ҳадя этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида эл-юртга содиқ, иймон-эътиқодли, мард ва жасур, маънан бой, ақлан етук, жисмонан бақувват авлодни камолга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2013-2014 ўқув йилида мамлакатимизда 28 янги касб-ҳунар коллежи қурилди, 381 умумтаълим мактаби, 31 касб-ҳунар коллежи ва лицей реконструкция қилиниб, капитал таъмирланди. Барча зарур ускуна ва инвентарлар билан жиҳозланган 55 болалар мусиқа ва санъат мактаби, 112 болалар спорт мажмуаси ва 4 сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида умумтаълим муассасаларида чет тилларни ўргатиш бўйича 17 мингдан ортиқ ўқув хоналари ташкил этилди. 1-синф ўқувчилари учун чет тиллар бўйича 538 мингдан зиёд дарслик ва мультимедиа иловалари яратилди. Бу таълим даргоҳларида йигит-қизларнинг хорижий тилларни чуқур ўрганиши баробарида, замонавий билим ва профессионал кўникмаларни эгаллаши, дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, янгилик ва ўзгаришлардан атрофлича хабардор бўлишига имкон яратмоқда.

— Жорий ўқув йилида мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактабларининг 9-синфларини 501 мингдан зиёд ўқувчи тамомлади, — дейди Халқ таълими вазирлиги таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи Файзулла Аҳмедов. — Бу йилги маънавий-маърифий тадбирлар мазмунан янада бойиди. «Хайр, мактаб! Салом, коллеж!» шиори остида ташкил этилган тантаналарда асосий эътибор ўқувчиларни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олиш, уларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш ва ўзлари қизиққан касб-ҳунар соҳаларига йўналтиришга қаратилди.

Умумтаълим мактабларида «Замонавий билимлар билан замонавий касб-ҳунарга эга бўламиз!» шиори остида ташкил этилган кўргазмаларда ўқувчилар томонидан турли кўрик-танлов, фан ва спорт мусобақаларида эришилган ютуқлар, йил давомида тўгаракларда яратилган буюмлар, деворий газеталар, замонавий касб-ҳунарлар ҳақида маълумотлар акс этган стендлар намойиш этилди.

— Ушбу ўқув йилида 82 нафар йигит-қиз 9-синфни тамомламоқда, — дейди Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 319-умумтаълим мактаби директори Патпа Бекмуретова. — Кечагина мактабга қадам қўйган жажжи болалар бугун катта ҳаёт бўсағасида турибди. Энди улар замонавий билим ва касб-ҳунар сирларидан хабардор этувчи лицей ва коллежлар сари отланади.

...Кўнгироқ жаранги ҳар бир ўғил-қизни келажакда нима ишлар қилиши керагу қайси тамойиллар асосида яшаши хусусида мулоҳаза юритишга чорлайди. Буюк аждодларидан ғурурланиб, уларга муносиб авлод бўлиш масъулиятини юклайди. Президентимиз «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида таъкидлаган «Фақат ғурурланишнинг ўзи етарли эмас, келинглар, ўзимиз ҳам, худди улар каби, мана шу бебаҳо меросга ўз ҳиссамизни қўшайлик!» деган даъват мактаб битирувчилари қалбида бонг уради. Ва улар шу улуғ ишларга ўз ҳиссасини қўшиш учун дастлабки қадамни қўймоққа шайланади.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎзА мухбири.
ЎзА фотомухбири
Аъло АБДУЛЛАЕВ олган сурат

Энг намунали бошланғич ташкилотларда

Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши уюштирган амалий ўқув-семинарлар 2013 йили «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг вилоят, республика босқичларида муваффақиятли иштирок этган ҳамда фаолияти намунали йўлга қўйилган бошланғич ташкилотларда бўлиб ўтди.

Ижтимоий шериклик асосида

Иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, «Жиззахдонмаҳсулотлари» ОАЖ, Жиззах политехника институти, «Жиззах кексалар ва ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийси» касаба уюшмалари фаолияти билан яқиндан танишдилар.

— «Жиззахдонмаҳсулотлари» ОАЖ касаба уюшма ташкилоти фаолияти билан танишиб, катта таассурот олдим, — дейди Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Пахтакор тумани кенгаши раиси Саодат Юсупова. — Ўрганганимизни туманимиздаги бошланғич ташкилотларда кенг татбиқ этамиз.

Дарҳақиқат, корхонада жамоа шартномаси орқали 280 нафар ходимнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва интеллектуал манфаатлари ҳимояланмоқда. Ўртача ойлик иш ҳақини ишлаб чиқаришда самарадорлик ва тежамкорликка эришиш орқали яна 1,5 фоизга оширишга эришилди. Ходимлар ёрдамчи хўжаликда етиштирилаётган чорва маҳсулотлари, мева-сабзавотлар билан мунтазам таъминланаяпти. Шунингдек, ишчилар фарзандлари учун ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари йўлланмалари тўлиғича корхона ҳисобидан қопланади.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши мажлислар залида давом эттирилган ўқув-семинарни кенгаш раиси Н.Пардаев бошқариб борди.

Иштирокчилар ЎзКУФК меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Ў.Адиловнинг «Бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини оширишнинг устувор вазифалари» мавзуидаги маърузасини тингладилар.

Шундан сўнг меҳнат муҳофазаси, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқи, молиявий ҳамда ижтимоий суғурта фаолияти юзасидан маълумотлар берилди. Касаба уюшма фаоллари ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

Ўз мухбиримиз

«Навоийдонмаҳсулотлари» ОАЖ касаба уюшма қўмитасида ўтган кўргазмали ўқув-семинарда вилоятнинг барча тармоқ масъул ташкилотчилари, ҳудудий кенгашлар раислари, бошланғич ташкилотлар етакчилари ва иш берувчилар қатнашди.

Вазифалар кўлами кенг

Иштирокчилар дастлаб жамиятнинг ишлаб чиқариш жараёни билан яқиндан танишдилар. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Назира Тоғаева бошланғич ташкилотлар фаоллигини ошириш борасида олиб борилаётган кенг кўламдаги ишлар хусусида тўхталди. Шундан сўнг Федерация Кенгашининг меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири М.Исаевнинг «Бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини оширишнинг устувор вазифалари тўғрисида»ги маърузаси тингланди.

Семинарда тизимда юз бераётган такомиллаштириш ишлари, ютуқ ва камчиликларга ҳам эътибор қаратилди.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

«Баркамол авлод — 2014»

Уч босқичли спорт мусобақаларининг ўрта бўғини — «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинларининг бошланишига ҳам саноқли кунлар қолди.

Спорт байрамига тайёрмиз

Ёшларни спортга кенг жалб этиш, улар орасидан Ватанимиз шарафини халқаро миқёсда муносиб ҳимоя қиладиган профессионал спортчиларни тарбиялашда муҳим ўрин тутаётган мазкур мусобақаларга қорақалпоғистонлик ўғил-қизлар ҳам пухта ҳозирлик кўрди.

— «Баркамол авлод — 2014» спорт мусобақаларининг финал босқичида Қорақалпоғистон Республикаси терма жамоаси таркибида 68 нафар спортчи иштирок этади, — дейди ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси масъул ходими Рустам Абдукаримов. — Уларнинг аксарияти Нукус Олимпия захиралари ҳамда Нукус спорт коллежлари ўқувчиларидир. Катта теннис бўйича халқаро турнирлар совриндори Саметулла Қутибоев, енгил атлетикачи Зуҳра Шагилова, шахмат бўйича «Камолот кубоги — 2014»да муваффақиятли иштирок этган Зиннаддин Каримбоев сингари иқтидорли ёшлардан, айниқса, умидимиз катта.

Спортнинг ўн тўрт тури бўйича иштирок этадиган ёшлар билан 16 нафар малакали мураббий сўнгги тайёргарлик ишларини ниҳоясига етказишди.

— Тайёргарлик маромида бўлди, деб ўйлайман, — дейди Нукус спорт коллежи ўқувчиси, енгил атлетика бўйича Осиё чемпиони Зуҳра Шагилова. — Мақсадим — мусобақаларда муносиб иштирок этиб, олтин медални қўлга киритиш.

Ҳар бир спорт тури бўйича малакали мутахассислар томонидан олиб борилган машғулотлар ўз самарасини бериб, «Баркамол авлод — 2014»да совринли ўринларни эгаллаш ва медаллар сонини кўпайтиришни мақсад қилган қорақалпоғистонлик ёш спортчилар шу кунларда Наманган шаҳрига жўнаб кетади.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири

Эътибор

Мамлакатимизда болалар спорти кенг ривож топмоқда. Буни Бухоро вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Биргина Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 13 та болалар спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Жамоатчилик иштирокида

Шаҳар ва туманларнинг чекка ҳудудларида бадиий гимнастика марказлари, умумтаълим мактаблари учун замон талабларига мос спорт заллари, спорт майдончалари бунёд этилиб, зарур анжомлар билан таъминланди. Бу эса соғлом турмуш тарзини шакллантириш, болалар, айниқса, қизларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун муҳим аҳамият касб этмоқда.

Вилоятда камол топаётган спортчи қизлар сафи кенгайиб, улар маҳорати ошмоқда. Шахмат, шашка, бадиий гимнастика, оғир атлетика ва бошқа турларда улар мамлакат, Осиё, халқаро мусобақаларда муваффақиятли қатнашмоқдалар.

Спорт билан мунтазам шуғулланаётган қизлар ҳаётида яқинда қувончли воқеа юз берди. Уларнинг 6 минг 343 нафарига Президент совғаси — спорт кийимлари тантанали равишда топширилди. Шунингдек, кенг жамоатчилик иштирокида спорт оламига илк бор қадам қўйган, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларига, давлат қарамоғидаги 12048 нафар қиз ҳам ана шундай совғага эга бўлди. Бу эса спортсевар қизларга олам-олам қувонч бағишлади.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Дастур ва ижро

Наманган вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан Янгиқўрғон туманида жойлашган «Камалак» болалар оромгоҳида ёзги соғломлаштириш мавсуми олдидан масъул ташкилотлар ходимлари иштирокида кўргазмали ўқув-семинар ўтказилди. Унда мавсумга тайёргарлик масаласи кун тартибига қўйилди.

Мувофиқлаштирувчи гуруҳ йиғилиши

Семинар машғулотлари аввалида вилоят ҳокимининг ўринбосари Ҳабибулла Маткаримов раҳбарлигида мувофиқлаштирувчи гуруҳ йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Зулайҳо Маҳкамова ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари оромгоҳларда болажонларнинг ҳар томонлама хавфсиз ва мазмунли ҳордиқ чиқариши, шу билан бирга, жисмоний ва маънавий камол топишига имкон берадиган шароит яратиш юзасидан ахборот бердилар.

Шундан сўнг маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш, малакали тиббий профилактик ёрдам таълим-тарбиявий тадбирлар мажмуини ташкил этиш усуллари, жамоат тартибини сақлаш ва фавқулодда вазиятлар бўйича амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалар юзасидан мутахассисларнинг маърузалари тингланди.

Жорий йилги мавсумда 16 минг 900 нафардан зиёд 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўғил-қиз тўрт мавсумда шаҳардан ташқаридаги оромгоҳлар қучоғида дам олади. Бундан ташқари, 11 мингдан зиёд фарзандларимиз яшаш жойлари ҳудудидаги кундузги оромгоҳларда соғломлаштирилиб, ёзги таътилни янада мазмунли ўтказишлари таъминланади.

Кўргазмали ўқув-семинарда Вазирлар Маҳкамасининг манзилли Дастурига мувофиқ Норин туманида замонавий болалар оромгоҳи қурилаётгани, бу иш учун ЎзКУФК томонидан 8 млрд. сўм ажратилгани алоҳида эътироф этилди.

Ўз мухбиримиз

Мавсум тараддуди

Саноқли кунлардан сўнг болажонлар орзиқиб кутаётган ёзги соғломлаштириш мавсуми бошланади. Юртимизнинг сўлим гўшаларида дам олиш фарзандларимизга олам-олам қувонч бағишласа, оромгоҳлар мутасаддилари зиммасига катта масъулият юклайди.

Андижон вилоятининг сўлим масканларида ёз мавсумида жами 15 та шаҳар четидаги оромгоҳ фаолият кўрсатиши режалаштирилган. Уларда республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳининг «2014 йилнинг ёз мавсумида болаларни дам олдириш ва соғломлаштиришга тайёргарлик кўриш ҳамда мавсумни юқори савияда ўтказиш бўйича амалга ошириладиган ишлар тўғрисида»ги йиғилиши баёнида белгиланган вазифаларни бажариш борасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Барча оромгоҳларда тозалаш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилди.

Шаҳар, туманлар ҳокимликлари ва хўжалик ташкилотлари томонидан дам олиш масканларини ёз мавсумига сифатли тайёрлаш ҳамда мавсум давомида улар фаолиятини талаб даражасида ташкил этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланиб, шу асосда қурилиш, реконструкция, капитал ва жорий таъмирлаш, моддий-техника базасини янгилаш ишлари олиб борилмоқда.

«Боғишамол»да...

Андижон тумани ҳудудидаги Хакан қишлоғида жойлашган «Боғишамол» болалар оромгоҳида ҳар бир мавсумга пухта ҳозирлик кўрилади. Оромгоҳ бир сменада 300 та ўринга мўлжалланган бўлиб, йил давомида 900 нафар болажон дам олиши учун барча шароитлар яратилган.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси тасарруфидаги мазкур оромгоҳни ёз мавсумига тайёрлаш юзасидан чора-тадбирлар режаси тўлиқ бажарилди.

— Кейинги уч йил давомида оромгоҳимизда 200 ўринли ётоқхона, озиқ-овқат ва инвентарлар учун 2 та омборхона, 300 ўринли ёзги амфитеатр, 1 та лимон етиштиришга ихтисослашган иссиқхона қурилди, — дейди маскан директори Ғуломжон Муллажонов. — 100 ўринли ётоқхона биноси, 300 ўринли ошхона, «Маънавият ва маърифат хонаси», кутубхона, етакчилар хонаси жойлашган маъмурий бино, стадион, чўмилиш ҳавзаси ҳамда тиббий пункт бинолари реконструкция қилинган ва капитал таъмирланган. Улар етарли қаттиқ-юмшоқ жиҳозлар, ошхона анжомлари билан таъминланди.

(Давоми 2-саҳифада).

"Ishonch" — Сизнинг газетангиз

Нашр индекси — 133

Июл — декабр ойлари учун обуна бўлишни унутмадингизми?

Ishonch
2014-yil 27-may № 64 (3413)

Мавсум тараддуди

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Иссиқхоналарда помидор ва лимон кўчатлари парваришланмоқда. Қўшимча иш ўринлари яратиш ва оромгоҳнинг ўзини ўзи маблағ билан таъминлаши учун ҳудудда балиқ етиштиришга ихтисослашган ҳовуз ва қўшимча 3 та лимон етиштиришга ихтисослашган иссиқхона ташкил этилмоқда.

«Шифокор» ва «Энергетик»да

Булоқбоши туманининг сўлим Ширмонбулоқ тоғ ён-бағрида жойлашган ушбу оромгоҳларда ҳам тайёргарлик ишлари жадал олиб борилмоқда.

«Шифокор» оромгоҳи бу йил тўрт навбатда 1075 нафар болажонни ўз бағрига олади. Манзилли дастурга асосан 2013 йилда 75 ўринли янги, замонавий ётоқхона биноси қурилиб, фойдаланишга топширилган. Ушбу бино бугунги кунда болаларни қабул қилишга тайёр. Қолган 5 та ётоқхона, тиббий пункт ҳамда маъмурий бинолар ўтган 2010-2012 йилларда капитал таъмирланган.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан оромгоҳдаги ошхона ҳамда спорт майдонларини косметик таъмирлаш ва тартибга солиш ишларини амалга ошириш, юмшоқ инвентарлар, ошхона анжомлари ҳамда маданий-маърифий ва спорт буюмлари билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда.

«Энергетик» оромгоҳида Шарқий магистрал электр тармоқлари Андижон вилояти ҳудудий бўлими томонидан ишлаб чиқилган режа асосида 2012 йилда 120 ўринли, 2013 йилда эса 80 ўринли ётоқхона бинолари капитал таъмирланган. Чўмилиш ҳавзаси, тиббий пункт ва ошхонада олиб борилаётган таъмирлаш ишлари якунланиш арафасида.

Болалар — келажагимиз. Келажакка эътиборли бўлиш эса кўнгилга сурур бағишлайди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch»мухбири

Ж.Мусурати

Туман кенгашида

Ҳар гал бошланғич ташкилотларга кўмакка отланганда икки томонлама манфаатларга асосланган қатъий режа тузиб оламиз. Хусусан, ўтган ой давомида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмасининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Шакарбой Эшматов иштирокида амалий-услубий учрашувлар уюштирилди.

ИСТАКЛАР АҲДНОМАСИ

Туман ҳокими ва бошқа раҳбарларнинг аъзолар ва ўқувчи-ёшлар билан юзма-юз мулоқоти ўтказилиб, эркин савол-жавоблар тарзида соҳага доир ўнлаб талаб-истакларнинг жойида бартараф этилишига эришилди.

Бундан ташқари, ўқувчилар ва ўқитувчилар ўртасида соғлом, ижодий муҳитни қарор топтириш мақсадида турли маданий тадбирлар ташкил этяпмиз. Бу борада «Камолот» ЁИҲ, Хотин-қизлар қўмитаси, шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлимларининг ҳамкорлиги диққатга сазовордир. Ҳамжиҳатликда «Қизилқум» маданият уйида бир қанча таъсирчан, эсда қоларли тадбирлар амалга оширилмоқда. «Қувноқлар ва зукколар», «Балли, қизлар!», «Санъатим — саодатим» сингари қатор кўрик-танловлар фикримизнинг ёрқин ифодасидир. Ташаббускор ва фаол иштирокчилар касаба уюшмаси томонидан муттасил рағбатлантириб борилмоқда. Ўқитувчилар ўртасида ташкил этилган «Баҳор маликалари», «Соғлом она — соғлом бола» мусобақаларида эса оилавий спортни жонлантириш, нафосатга интилиш асл мақсадимизга айланган.

Жамоа шартномасида, шунингдек, тармоқ аъзолари саломатлигини тиклаш, уларнинг фарзандлари ёзги мароқли дам олишини ташкил этиш сингари муҳим масалалар мавжуд. Айни кунларда шаҳардаги 20-таълим муассасаси қошида «Ҳумо» мактаболди болалар оромгоҳи мавсумга шай ҳолатга келтирилди. Дам олувчилар учун «Орзу» болалар истиҳорат боғи, «Жемчужина» чўмилиш ҳавзаси ва яна талай сўлим гўшалар бириктирилган. 100 нафар кам таъминланган оила фарзандлари эса Зарафшон шаҳридаги «Золотенко» оромгоҳида бепул соғломлаштирилади.

Гулбаҳор АЛЛАНОВА,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Учқудуқ туман кенгаши раиси

Кўрик-танлов

«Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловига нафақат ёшлар, катталар ҳам қизиқиш билан қарамоқда.

Очиғи, ҳавасим келди

Корхона, ташкилотлар, туман ва шаҳар босқичларида саралаб олинган «Энг фаол ёш ҳунарманд», «Энг фаол ёш тадбиркор» ва «Энг фаол ёш коммунал соҳа мутахассиси» номинациялари бўйича кўрик-танловнинг Сирдарё вилояти босқичида 30 дан ортиқ ёшлар иштирок этди.

«Энг фаол ёш ҳунарманд» номинацияси бўйича Гулистон туманидан Гулчеҳра Маматқулова, «Энг фаол ёш тадбиркор» номинациясида «Сирдарё Принт» МЧЖ раиси Бахтиёр Ёқубов ва «Энг фаол ёш коммунал соҳа мутахассиси» номинациясида Оқолтин туман сув оқава ишлаб чиқариш корхонаси чилангари Отабек Бобожонов ғолиб деб топилди.

Иштирокчилар ҳамкор ташкилотларнинг диплом ва совғалари билан тақдирланди.

— «Энг фаол ёш мутахассис» кўрик-танловида 19 ёшли шогирдим Феруза қатнашди, — дейди янгиерлик тадбиркор Эркиной Мамажонова. — Танловнинг вилоят босқичи тармоқ касаба уюшмаси томонидан юқори савияда ташкил этилди. Ёшлар фаолиятидан ўрнак олса арзийди. Очиғи, фаол ёшларга ҳавасим келди. Уларнинг барчасига оқ йўл тилайман.

Ғолиблар республика босқичида қатнашади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати Низомига мувофиқ, Боёвут туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатда «Ўз касбининг моҳир эгаси» танлови бўлиб ўтди. Унда математика фани ўқитувчиси Раҳматулла Ўрозовнинг муваффақиятлари эътироф этилди.

Ўз касбининг моҳир эгаси

— Касбини астойдил севган сира кам бўлмас экан, — дейди Раҳматулла ака. — Шогирдларим камолида меҳнатларим самарасини кўраман.

Дарҳақиқат, унинг ўқувчилари туман, вилоят ва республика фанлар олимпиадасида ҳамда сиртқи телевизион олимпиадаларда математика фани бўйича катта ютуқларга эришмоқда. Жумладан, Бекзод Жўлбеков ва Жасур Баҳромовлар Жаҳон олимпиадасининг махсус сертификати билан тақдирланди. Тажрибали педагог мактаб-интернатда ташкил этилган «Маҳорат мактаби»ни ҳам бошқаради. Ўзи раҳбарлик қилаётган туман математиклари услубий бирлашмасида ёш ўқитувчиларга «Ўрганўргат», «Устоз-шогирд» йўналишлари асосида йўл-йўриқ кўрсатади. Бундан ташқари, «Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш тажрибасидан», «Ўқувчиларни олимпиадага тайёрлаш», «Олимпиада масалалари тўплами», «8-синфда қийинроқ масалаларни ечиш», «9-синфда қийин масалаларни ечиш» сингари методик рисолалар муаллифи сифатида унинг иш фаолияти вилоятда кенг оммалаштириляпти.

Р.Ўрозов таълим соҳасига қўшган хизматлари учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи» фахрий унвони билан тақдирланган.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Дарҳақиқат, «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» кўрик-танлови ёшларнинг маҳорат ва истеъдодини намойиш этиш йўлида катта имкониятлар майдони бўлди.

Изланувчанликда гап кўп

Севара Худойназарова Яккабоғ туманида ташкил этилган танловда «Йилнинг энг фаол ёш ўқитувчиси» деб топилди. Тумандаги 14-ихтисослаштирилган мактаб-интернатда она тили ва адабиёт фанидан сабоқ берадиган Севаранинг дарс ўтиш услуби ўзгача. У она тили ва адабиёт ўқитувчиси нафақат ўз фанини яхши билиши, балки бошқа фанлардан ҳам хабардор, дунёқараши кенг, ҳаётнинг турфа ҳолатларини тушунадиган бўлиши лозим деб ҳисоблайди. «Дарсни бошқа фанлар билан боғлаб ўтиш мақсадга мувофиқ», дейди у .

«Бадиий тасвир таҳлилида тасвирий санъат уйғунлиги» мавзусида янгича дарс ўтиш услубини яратишга интилаётган педагог шундай дейди:

— Ҳамид Олимжоннинг шундай сатрлари бор:

На бўлғай бир нафас мен ҳам яноғинг узра хол бўлсам,
Лабинг япроғидан томган ки гўё қатра бол бўлсам...

Ўзбек адабиётида лабни ғунчага ўхшатиш, гулга қиёс этиш азалдан бор. Лекин ҳали ҳеч бир шоир лабни япроқ, яъни баргга ўхшатмаган. Шоирнинг бу кашфиётини ўқувчига янада яқинроқ етказиш учун доскага япроқ сифат лаб тасвири чизилади. Ўқувчи эса беихтиёр бор диққат-эътиборини тахтага қаратади ва бу ўз-ўзидан барчани фаолликка ундайди...

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Семинар-тренинг

Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ҳудудлардаги бошланғичлар раисларини ўқитиш, малакасини ошириш мақсадида бир кунлик семинар-тренинглар ўтказиш юзасидан махсус режа ишлаб чиқилди. Унга кўра, бирлашма бўлим мудирлари ҳамда мутахассислари соҳага доир янги билимларни етакчиларга етказишмоқда.

Манфаатлар ифодаси

Шундай ўқув Норин туманидаги 1-мактабда ўтказилди. Унда тумандаги тармоқ касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлари раислари иштирок этишди. Улар тренинг давомида аъзоларни ҳуқуқий ҳимоялашнинг самарадор механизмлари, маънавий-маърифий тадбирларнинг аҳамияти, касаба уюшма соҳасидаги намунавий ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда маблағларни тўғри йўналтириш, ходимлар, уларнинг яқинларини соғломлаштириш борасидаги янгиликлардан бохабар бўлишди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

* * *

Тренинг ниҳоясида иштирокчилар таассуротлари билан ўртоқлашишди.

— Коллежимизда 108 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади, — дейди Норин иқтисодиёт коллежи касаба уюшма қўмитаси раиси Зарифа Ниёзова. — Ойда бир марта ўтказиладиган «Маънавият соати»га ҳамкасбларимизнинг барчасини жалб этаётирмиз. Бугунги семинар давомида «Маънавият соатлари»ни янада намунали ўтказиш юзасидан керакли тавсияларга эга бўлдик. Шунингдек, ишлаб чиқариш гимнастикаси билан боғлиқ амалий тавсиялар ниҳоятда фойдали бўлди. Жамоамизда гимнастика билан шуғулланишни нафақат махсус хонада, иш жараёнидан узилмаган ҳолда ташкил этишни ҳам мақсад қилдим.

— Бизнинг жамоамизда маънавий муҳит жуда яхши шаклланган, — дейди 11-умумтаълим мактаби касаба уюшма қўмитаси раиси Замира Ашурова. — Ҳар қандай ишга бир ёқадан бош чиқариб киришамиз. Шунинг учунми, масканимизда бюджетдан ташқари маблағ топиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Хусусан, боғдорчилик орқасидан шу пайтга қадар топилган маблағларимизни қўмитамиз қарори билан кам таъминланган, эҳтиёжманд ходимларга йўналтираётган эдик. Ўтган йили банкдан ҳисобрақам очиб, маблағимизни қўйдик. Аммо уни қандай мақсадлар йўлида сарфлаш ҳақида тўла тасаввурга эга эмасдик. Бугун молиявий масалалар юзасидан тавсия берган бирлашманинг молия бўлими мудири Фазлиддин Сайдуллаевдан шу масалада катта кўмак олдим.

— Ходимлар манфаатини ҳимоя қилишда жамоа шартномасини тузишнинг аҳамияти катта эканлигини яхши биламиз, — дейди 7-МТМ касаба уюшма қўмитаси раиси Гулчеҳра Маматқулова. — Аммо ҳамма ҳам унинг ижросига яхши эътибор қаратавермайди. Жамоа шартномалари ижроси назорати йил давомида амалга оширилса, ҳам касабақўм, ҳам иш берувчи, ҳам ходимлар манфаати ўз ифодасини топишини билиб олдик.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ

Термиз шаҳрида Сурхондарё вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари, Термиз шаҳар ҳокимлиги ҳамда бошқа корхона ва ташкилотлар ҳамкорлигида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Унда саксондан ортиқ корхона ва ташкилот 694 бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, бандлик масаласини ҳал этиш, айниқса, хотин-қизлар ва касб-ҳунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлашга катта аҳамият қаратилмоқда.

Тадбирда юз нафарга яқин киши ишга жойлашиш учун йўлланма олди. Унинг 32 нафари хотин-қиз, ўттизга яқини касб-ҳунар коллежлари, қирқдан ортиғи Термиз давлат университети битирувчисидир.

— Термиз давлат университетининг табиат-география факултетини битирмоқдаман, — дейди Термиз туманидаги Солиобод маҳалласида яшовчи Камола Баҳромова. — Бугунги ярмаркада туманимиздаги 29-умумтаълим мактабига ишга кириш учун йўлланма олдим.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири.

Суратда: бўш иш ўринлари ярмаркасида.

ЎзА фотомухбири
Фарҳод АБДУРАСУЛОВ олган сурат

«Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» республика танловига

Ҳаёт

Юзидан нур ёғилиб турган Имрон амакига кўзим тушгандаёқ, унинг яхши одам эканлигини ҳис этдим. Купега кирган заҳотим очиққўнгиллик билан саломимга алик олди ва ошиғич ўрнидан туриб, қўлимдаги юкни пастки қаватга жойлаб қўйди. Сўнг ташқарига йўналди.

— Сиз бемалол жойлашиб олаверинг, мен кейинроқ кирарман...

Орадан ярим соат чамаси вақт ўтгач, пахта гулли чойнакда чой ва иккита пиёла кўтариб қайтди.

— Ҳамроҳ эканмиз-да, Қаршига боряпсизми?

— Ҳа, хизмат сафарига.

— Мен Имрон амакингиз бўламан, сизнинг исмингиз нима, қизим?

— Ақида.

— Чиройли исм, агар сир бўлмаса, касбингиз?

— Журналистман.

Шу тарзда гурунгимиз қўр олди. Поездимиз вақтни олдига солиб қувиб манзил сари еларди. Бизнинг купега бошқа биров чиқмади. Бир пайт йўлакдан ўтаётган йўловчилардан бирининг кўзи тасодифан Имрон акага тушиб, ҳайқириб юборди.

— Ия, ўзингмисан? – деди ва купега кирди. У дурустгина ширакайф бўлиб, ўзини гўё олам соҳибидек тутарди. Ўриндиққа чўкиб, бироз хижолатомуз турган Имрон амакининг елкасидан тутди.

— Сени кўрар кун ҳам бор экан-а, жўражон, кўришмаганимизга ҳам юз йилдан ошдиёв.

— Ҳа, анча бўлди, жигарим, сени чет элларда юрибди дейишувди.

— Ризқ қидириб юрувдимда, бирим икки бўлармикан деб.

— Қандай, муродинг ҳосил бўлдими?

— Э қаёқда дейсан, юрак тўла ҳасрат, ошна. Бир отамлашиб гурунг қилсак нима дейсан?! Обизамзамнинг зўридан бор.

— Менинг у касофат билан видолашганимга анча бўлган.

— Э, сен-а? Кўйсанг-чи, бу гапга ишониш қийин.

— Чин, хурмачадан ошиб кетган экан, бошқа сиғмади, энди гап бундай, оғайни, гурунгди қишлоққа боргандан сўнг қилсак. Бу ерда қиз бола бор.

Шундагина амакининг таниши бурчакда қисиниб ўтирган каминага эътибор берди.

— Яхши юрибсизми, сингилим, янгамга ўхшаб турибди, қизингми?

— Йўқ, ҳамроҳим.

— Э шундай де...

У мастона кўзларини сузиб ишшайди. Лекин ўзини зўрға тийиб, ўтирган жойидан туришга шайланди.

— Имрон, эмаса бизнинг вагонга борсак-чи?..

— Йўқ, жигарим, насиб этса, гурунгди каттасини кейин қиламиз.

Ниҳоят у ўрнидан турди. Имрон амаки уни кузатиб чиқиб, танбурда анча қолиб кетди. Шу ўртада поезд қайсидир бекатда тўхтаб ўтди. Имрон амаки қайтиб кирганида дилтанг кўринар, чеҳрасига мунг соя солиб турарди. Жойига ўтириб, дераза оша лип-лип ўтаётган юлдузли самога ғамгин термулди.

— Тинчликми, амаки?

— Ҳозиргина янгангиз кўнгироқ қилди, Сарвар ўғлимнинг яна мазаси қочибди.

— Ўғлингиз касалми?

— Эй, қизим, бунинг тарихи узун, бир эмас, икки болам хаста — ногирон, бунга ўзим айбдор, уларга қараб кунига бир эмас, минг ўлиб тириламан. Хўп десангиз, айтиб берай, ёзинг, қизим, балки кимгадир ибрат бўлар, фақат исмимни ўзгартириб ёзсангиз, илтимос...

Сўнг ҳикоясини бошлади, тун ярмидан ошган, кўзларимга инган уйқу шабада янглиғ қўниб ўтганди.

... Отамнинг топиши зўр эди, бояд-шояд вояга етдим. Аммо ҳамма нарса тўкин, бадастир бўлса, тўқлик шўхликка етаклар экан. Динара билан топишганимизда, иккимиз ҳам ўсмир ёшида эдик. У ёлғиз фарзанд бўлиб, (отаси ўлиб кетганди) онаси касалхонада ҳамширалик қилар, баъзан кечалари навбатчиликка қолиб кетар, бундай тунлар Динара иккимиз «бир тан-бир жон»га айланардик. Гапнинг рости, спиртли ичимлик ичишни ўша кезларда ўрганганман. Кейин эса унга ружу қўйдим. Мактабни битирар-битирмас, тўнғич қизимиз туғилди. Динаранинг онаси эл ичида бошини кўтаролмай қолди. Ноилож қолган онам туғруқхонадан бўлажак келини ва набирасини тўғри уйимизга олиб келди. Шу тарзда оилали бўлиб, бўйнимга ола хуржун тушди. Аммо кўринишдан шунақа эди, аслида рўзғор ташвиши отамнинг елкасида бўлиб, унинг соясида бир ишнинг бошини тутмай, ҳалигидай улфатлар билан маишат қилиб юраверардим, бора-бора ичмасам туролмайдиган бўлиб қолдим. Бу ўртада иккинчи фарзандимиз туғилди, кейинроқ эса ўғилли бўлдик. Ҳаммаси бурнимдан булоқ бўлиб чиқди. Фалакнинг гардишини қарангки, шифокорларнинг айтишича, ароқхўрлигим туфайли ўртанча қизим Гули билан ўғлим Сарвар ақлан заиф бўлиб туғилган экан. Шўрлик отам набираларини кўрсатмаган шифокор, табиб қолмади. Афсуски, барча саъй-ҳаракатлар бесамар кетди. Отам Сарварни беҳад севар, чиройли, аммо нотавон гўдакни аравачага ўтқазиб олиб, маҳзун кайфиятда ҳовлида айлантириб юрарди. Кўп ўтмай суянган тоғим дунёни тарк этди. Кейинроқ Динара ҳам мени ташлаб кетди.

— Имрон, — деди бир куни онам, — бу кетишда адо бўласан, ўзингни қўлга олмасанг бўлмайди, Қаршида яхши бир шифохона бор эмиш, шунга бориб келайлик, кўнглим сезиб турибди, даволансанг, дарддан халос бўласан.

Ўзимнинг дардим ҳам ичимда бўлиб, Динарадан айрилиш мен учун ўлим билан баробар эди. Бироқ ароқ ўлгурга мубтало бўлиб қолгандим. Индамай онамнинг олдига тушдим. Орадан уч-тўрт ой ўтгач, ўзимга келдим. Онажоним билан бориб, Динарани олиб келдик. Ишга жойлашдим, институтдаги аросатда қолиб кетган ўқишимни сиртдан битирдим. Динара тўртинчи фарзандимизга ҳомиладор бўлганида, гумон ич-этимни ер, «бола яна ногирон туғилса-я», деган ҳадик борлиғимни қамраб олганди. Шукрки, тавбам Яратганга етди, шекилли, рафиқам соғлом ўғил туғди. У ҳозир сиртлондек йигит бўлган.

— Ичкиликка бошқа қизиқмадингизми?

— Йўқ, қайта оғзимга олмадим, олмайман ҳам. Икки бирдек фарзандимнинг мунгли тақдири учун ўла-ўлгунча айбдорман. Гули 30 дан ошди, Сарваримнинг ёши 25 да. Еб-

Матбуот анжумани

Миллий матбуот марказида «Ўзбеккўмир» ОАЖ «Ўзбекистонда кўмир қазиб олиш саноатининг ривожланиш тенденциялари ва истиқбол режалари» мавзуида матбуот анжумани ўтказди.

Ёқилғи кўпаяди

Таъкидландики, фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун чуқур билим ва юксак профессионализм талаб этилади. Жумладан, кўмир саноати ҳақида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Ўзбекистон 1832,8 млн. тонна ҳажмда кўмир захирасига эга бўлиб, қўнғир кўмир — 1786,5 млн. тонна, тошкўмир 46,3 млн. тоннани ташкил этади. Тошкўмирнинг катта захираси Сурхондарё вилоятида концентрациялашган. Ангрен кўмир ҳавзасида қўнғир кўмир, Шарғун ва Бойсунда эса тошкўмир қазиб олиняпти. Электроэнергетика сектори ёқилғининг асосий истеъмолчиларидан саналади.

2018 йилгача мўлжалланган кўмир соҳаси корхоналарини модернизация қилиш дастурига асосан, 500 млн. АҚШ долларидан зиёд маблағ сарфланиши назарда тутилган бўлиб, шунга кўра, «Шарғункўмир» ОАЖни модернизация қилиш, «Ўзбеккўмир» ОАЖнинг маънан ва жисмонан эскирган асбоб-ускуналарини янгилаш, «Ўзбеккўмир» ОАЖ ишлаб чиқариш қувватларини қўллаб-қувватлаш, «Ўзбеккўмир» ОАЖ темир йўл хўжалигини модернизация қилиш, «Аппартак» кўмир ҳавзасини қуриш лойиҳалари амалга оширилади. Модернизациялаш дастури доирасида 2016 йилга келиб кўмир қазиб олишни 2 баробарга кўпайтириш режалаштирилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Наманган, Фарғона ва Хоразм вилоятларида аҳолининг кўмирга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида дистрбютер марказлари ташкил этилган. Эндиликда Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё вилоятлари аҳолиси учун ҳам шундай имконият яратилади.

Сайёрамизда аҳоли сони тобора ортиб, инсониятни озиқ-овқат билан таъминлаш муаммоси юзага келаётир. Айнан шунга кўра ҳам қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш зудлик билан ҳал қилиниши керак бўлган муҳим вазифалардан саналади. Олимлар томонидан анъанавий селекция асосида экинларнинг турли навлари яратилган бўлиб, улар озиқ-овқат ишлаб чиқаришда катта аҳамиятга эга. Аммо сўнгги йилларда шўрланиш ва сув етишмаслиги сабабли ер ресурсларининг камайиши, ҳосилдорликнинг бутун дунё бўйлаб пасайиши кузатилмоқда. Бу муаммони ечишнинг энг истиқболли йўли эса геномика ва янги биотехнологияларга асосланган инновацион технологияларни, яъни замонавий трансгеномика ҳамда маркерларга асосланган селекция услубларини анъанавий селекция билан биргаликда қўллаб, генетик бойитилган навларни яратишдир.

Инновацион лойиҳалар

Геномика ва биоинформатика марказида маркерларга асосланган селекцияни амалга ошириш ҳамда генетик такомиллаштирилган ғўза навларини яратиш мақсадида ғўза геномини ўрганиш бўйича жиддий ишлар олиб борилаётир. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида дунёда биринчи маротаба ғўза учун ген-нокаут технологияси яратилиб, ғўзанинг серҳосил, эртапишар, толаси узун, сифатли ҳамда илдиз системаси ривожланган ген-нокаут «Порлоқ» навлари ишлаб чиқарилишига эришилди. Илдиз системасининг ўта ривожланганлиги бу навларни сув етишмовчилигига чидамлироқ қилади. 2013 йил ўтказилган кенг қамровли дала синовлари ҳосилдорликнинг анъанавий усул билан яратилган ғўза навларига нисбатан 18-20 фоиз ошганлигини кўрсатди. Бундан ташқари, ғўзанинг касалликларга, қурғоқчиликка, шўрхокликка чидамлилигига жавоб берувчи генлари аниқланган бўлиб, ҳозирги кунда ушбу генлар ҳақидаги маълумот ғўзанинг чидамли ва сифатли навларини олишда ишлатиляпти.

Ғўза геномикаси ва ген-инженериясидаги ютуқлар тадқиқотларни бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳисобига кенгайтириш имконини яратди. Масалан, ген-инженерияси ёрдамида картошка ҳосилдорлигини ошириш ҳамда занг касаллигига чидамли буғдой навларини яратиш мақсадида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Келгусида ғўза геномикаси ва биотехнологияси соҳасидаги тадқиқотларни бошқа сабзавот ҳамда полиз экинларига ҳам қўллаш назарда тутиляпти.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва интенсификациялаш, модернизациялаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижаси ўлароқ мамлакатимиз аграр секторининг деярли барча тармоқларида изчил фаолият юритилаётир.

Ўзбекистон Фанлар Академияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда «Ўзкимёсаноат» Давлат акционерлик компанияси ҳамкорликда ўтказган «Ер унумдорлиги ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳосилдорлигини оширишга йўналтирилган инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш» мавзуидаги матбуот анжуманида ана шулар ҳамда соҳага доир бошқа масалалар хусусида сўз юритилди.

Шарофат НОРҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Меҳнат муҳофазаси

Қашқадарё вилоятида меҳнат муҳофазасига бағишланган қатор тадбир ва семинарлар бўлиб ўтди. «Қашқадарё ҳудудий электр тармоқлари» ОАЖ ҳамда Шаҳрисабз туман электр тармоқлари корхонасида ташкил этилган семинарларда барча туманлардаги корхоналар меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси муҳандислари ва усталар, ишбошилар қатнашди.

Тажриба алмашиб

Семинарда жамиятнинг меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўлими бошлиғи Қўчқор Жўраев 2013-2014 йилларда содир бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг қисқача тафсилоти ва келиб чиқиш сабабларига тўхталди.

Шундан сўнг вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнат муҳофазаси бўлими мудири Анвар Хўжақулов ҳамда бўлим мутахассиси Абдурасул Расулов кун тартибидаги масала юзасидан маъруза қилди.

— Содир бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабаби таҳлил этилганда, — дея таъкидлади А.Расулов, — кейинги йилларда «Қашқадарё ҳудудий электр тармоқлари» ОАЖга қарашли корхоналар раҳбарлари ва соҳага масъул бўлган меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги муҳандислари томонидан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, иш жойида электр хавфсизлиги қоидалари талабининг бажарилишини таъминлашга эътиборнинг сусайтириб юборилгани маълум бўлди. Бундан ташқари, ходимларга техника ва электр хавфсизлиги бўйича бериладиган йўриқномаларнинг сифатсизлиги, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомининг пасайиб кетгани ҳам сир эмас.

Аслида, эътиборсизлик ва эҳтиётсизлик барча нуқсонларнинг бош сабаби ҳисобланади. Шундай экан, биз биргаликда ушбу камчиликларни бартараф этсак, аввало, ўзимизга, жамиятга ва албатта, корхонага наф келтирган бўламиз.

Шунингдек, семинарда кун тартибидаги масала юзасидан «Қашқадарё ҳудудий электр тармоқлари» ОАЖ бош муҳандис ўринбосари Сирожиддин Асқаров, жамият касаба уюшма қўмитаси раиси Баҳодир Тошпўлатов, «Ўздавэнергоназорат» давлат инспекцияси инспекторлари Холмирза Раҳмонов ва Бекмирза Узоқов сўзга чиқиб, хавфсизлик техникаси ҳолатини яхшилаш ва жароҳатланишларнинг олдини олиш бўйича тавсия ҳамда кўрсатмаларини беришди.

— Корхоналарда «Устозшогирд» анъаналарини изчил давом эттириб, тажрибали ходимлар ўз билим ва тажрибасини ёшларга ўргатиши лозим, — дея таъкидлади С.Асқаров. — Қоидабузарлик ва жароҳатланишларнинг олдини олиш учун «Намунали усталик бўлими», иш бажарувчи бригадалар ўртасида эса «Энг яхши бригада» танловларини ўтказишни режалаштирямиз.

Шундан сўнг, мавзуга оид видеороликлар намойиш этилди. Семинар қизғин савол-жавоб руҳида кечди.

Ўз мухбиримиз

Солиқ билимдонлари

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Давлат солиқ қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамкорлигида «Солиқ билимдонлари — 2014» кўрик-танлови ўтказилди.

Кўрик-танловда иштирокчиларнинг мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини қарор топтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун яратилган шарт-шароит, солиқ имтиёзлари ва преференциялар, истеъмолчилар ҳуқуқлари кафолатлари хусусидаги билимлари тегишли шартлар асосида баҳоланди.

— Танловда мамлакатимизда солиқ муносабатларининг яхлит ҳуқуқий базаси ва бозор тамойилларига мос келадиган мукаммал тизими шаклланган, солиқ қонунчилигига риоя этилиши устидан назорат қилиш механизмлари, солиқ бошқаруви тизими ҳамда жамиятда солиқ тўлаш маданиятининг тобора юксалиб бораётганини ҳаётий мисоллар билан, таъсирчан образларда намойиш этишга ҳаракат қилдик, — дейди Солиқ академияси талабаси Дилмурод Абдуллаев. — Гуруҳимизнинг чиқишлари энг юқори баллга лойиқ кўрилиб, танлов ғолибига айланганимиздан хурсандмиз.

ЎзА.

Суратда: кўрик-танлов иштирокчилари.

ЎзА фотомухбири Асқар ЁҚУБОВ олган сурат

Тадбиркор ва замон

Нукус шаҳридаги «Амиу-Орол» кўп тармоқли ишлаб чиқариш корхонаси Нукус «Деҳқон бозори» ҳудудида балиқ ва балиқ маҳсулотлари билан савдо қилувчи икки қаватли «Амиу-Орол» дўконини ишга туширди. Шунингдек, иккинчи қаватда 56 ўринли ошхона очилди. Бу ерда балиқдан хушхўр таомлар тайёрланади.

Арзон балиқ дўкони

— Орол атрофидаги кўлларда балиқ етиштириб, денгиз маҳсулотлари билан савдо қилишни йўлга қўйдик, — дейди корхона раҳбари Юсипбой Низанов. — Айни чоғда «Судочи»даги 500 гектар, «Мўйноқ қўлтиғи»даги 12338 гектар (ижарага олинган) кўлларда овланган балиқларни аҳолига тирик ҳолатда етказиб беряпмиз.

Муваффақиятга осонликча эришилгани йўқ. 2010 йилда корхона ташкил этилгач, «Асака банк»дан уч йил муддатга 200 млн. сўм миқдорида кредит олинган эди. Унга катта сиғимдаги музлаткичлар, балиқ ташийдиган техникалар харид қилинди. Ўзимизда ишлаб чиқарилган «Исузу» сув ташувчи автоуловлари ҳам шулар жумласидан. Корхона фаолият бошлаганидан бери 23 киши иш билан таъминланди. Нукус шаҳри яқинида 7 гектар майдон сунъий сув ҳавзасига айлантирилган эди. Бу йил уни 2,9 гектарга кенгайтириш режамиз бор. Чуқурлиги 4-5 метр келадиган ушбу сув ҳавзаси тирик балиқларни сақлашга мўлжалланган.

Ўрни келганда айтиш жоиз, бозорларда бир кило балиқнинг баҳоси 9-10 минг сўм бўлиб турганда, «Амиу-Орол» дўконида тирик балиқлар тенг ярмига сотилмоқда.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch» мухбири

Реклама ва эълонлар

«SURXON GRAND BROKER» масъулияти чекланган жамияти очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2014 йил 26-27-30 июн кунлари соат 11:00 да Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси «Тадбиркорлар маркази» биносида очиқ аукцион комиссияси иштирокида мулкнинг бошланғич баҳоси қадам-бақадам ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

1. Музработ Марказий касалхонаси ДСЭНМ балансига тегишли бўлган 1996 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 75/352ААА «ДАМАС» русумли техник носоз ва таъмирталаб автотранспортнинг **бошланғич баҳоси — 2 002 000 сўм.**
2. Музработ туман тиббиёт бирлашмаси балансига тегишли бўлган 1999 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 75/836ВАА «ДАМАС» русумли техник носоз ва таъмирталаб автотранспортнинг **бошланғич баҳоси — 1 500 000 сўм.**
3. Жарқўрғон тумани Давлат Санитария Эпидемиолгия Назорат маркази балансига тегишли бўлган 1999 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 75/162JAA «ТИКО» русумли техник носоз ва таъмирталаб автотранспортнинг **бошланғич баҳоси — 1 109 717 сўм.**
4. Қизириқ тумани тиббиёт бирлашмаси балансига тегишли бўлган 1991 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 19 AJ 707 УАЗ 3962 русумли техник носоз ва таъмирталаб ҳолдаги автомашинанинг **бошланғич баҳоси — 400 000 сўм.**
5. Шўрчи тумани тиббиёт бирлашмаси балансига тегишли бўлган 1990 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 75/068 КАА УАЗ 3962 русумли техник носоз ва таъмирталаб ҳолдаги автомашинанинг **бошланғич баҳоси — 400 000 сўм.**

Аукцион савдосига қатнашиш учун жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда белгиланган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар закалат пули тўғрисида келишувни имзолаб, закалат пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.

Талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини «SURXON GRAND BROKER» масъуляти чекланган жамиятининг ХОАББ «Траст банк» Термиз филиали МФО: 01063, ИНН: 302072717, 20208000704929091001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада топширишлари керак: жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Қўшимча маълумотлар олиш манзили: Термиз шаҳри, Файзулла Хўжаев кўчаси, «Тадбиркорлар маркази» биноси 2-қават, 1-хона. Телефон: (99898) 272 50 59. Гувоҳнома 583.

Тошкент шаҳри Миробод туманида жойлашган «APIFITO» масъулияти чекланган жамияти оилавий корхонасига ўзгаришини маълум қиламиз. **Манзил: Тошкент ш. Миробод туман, 8 март кўчаси, 57-уй. Тел: (94) 632-20-40.**

дерлар буни...

ичишдан ками йўқ, бироқ гуркираб яшаши лозим бўлган болаларимни шундай аҳволга солиб қўйганман-а ... Ҳар куни, ҳар дақиқада виждоним айёвсиз эговлайди. Ўтирсам ўрним, юрсам йўлим куяди. Агар ўша кезларда ичкилик аталмиш жаҳолатга йўл бермаганимда, бундай ночор аҳволга тушиб ўтирмасдим, жигарбандларим балки элнинг олди бўлармиди... Ёзинг, Ақидахон қизим, ёзинг, зора, мен сингари адашган кимсаларнинг кўр кўзлари очилса...

Имрон амаки Шайхали деган бекатда тушиб қолди. Мен уни қайтиб кўрмадим, лекин ўкинчини, ўтинчини-да унутмадим.

ФАРЗАНДИМ СОҒЛОМ ЎССИН

Ўғлимнинг боғча опаси:

— Хабарингиз бўлдими-йўқми, сариқ касалига қарши хорижий вакцина билан ота-оналар фарзандларини эмлатишяпти, сиз ҳам шундай қилинг, — деб қолди. Шунда кўп йиллар муқаддам бўлиб ўтган воқеа беихтиёр эсимга тушди.

... Синглим Мадина ўшанда атиги беш ёшда эди. Онам қандайдир юмуш билан Сурхондарёга кетганди. Мадина кун бўйи қўшни қизча Мунира билан ўйнашдан бўшамасди. Мунирани аллақандай касал билан қаттиқ оғригани бировнинг эсида йўқ, мен эса бола бўлиб, ҳали касаллик соғ одамга юқишини билмасдим.

Азонда безовта жиринглаган телефон қўнғироғи тонгги сокинликнинг бағрини тилиб юборди. Тоғамнинг хотини — кеннойим гўшакни тезгина кўтарди.

— Алло, ким? Опажон, узр, сизни танимай қопман.

— Сокинахон, болалар соғми?! Тун бўйи Мадина тушимга кириб чиқди...

— Мадина ҳам, Ақида ҳам ойдек ўйнаб-кулиб юришибди, сира хавотир олманг, опажон.

— Илойим, шундай бўлсин, болаларимга яхши қараб туринг, Сокинахон, илтимос.

Кеннойим дунёнинг ваъдасини бериб, гўшакни жойига қўйди. Бироқ онам ўша куниёқ кечга яқин сафардан қайтиб келди ва бизни саломат кўриб, боши осмонга етди. Эртаси куни тоғам билан кеннойим ўз уйларига кетишди. Орадан кунлар ўтди. Бир куни Мадина ўнг биқинини чангаллаб ётиб қолди, бироз иситмаси чиқди. Онам дарҳол маҳалламиз болалар шифокори Наташа холага қўнғироқ қилди. Дўхтир хола Мадинани кўрди-ю ранги ўзгарди.

— Сариққа ўхшайди, жигари шишиб кетибди. Қўшнингни қизи Мунира билан мабодо ўйнамаганмиди?

Онам дарҳол савол назари билан менга қаради.

— Сурхондарёга кетувдим, балки...

— Уч кун Мунира билан ўйнади, уларникида овқат ҳам еди, компот ҳам ичди, — дедим мен.

Биз сабаб онам билан Наташа хола жуда қалин бўлиб кетишганди.

— Асабийлашма, — деди Наташа хола онамни тинчитиш учун, — Мунира касалхонада ётиб даволаниб чиққан, аммо онасини биласан, жуда палапартиш, уйидаги идишларда вирус қолган бўлиши мумкин, яна ким билади дейсан, энг муҳими, кимдандир юққани аниқ. Тез поликлиникага бориб, қон ва бошқа таҳлилларни зудлик билан текширувдан ўтказишимиз лозим.

Ҳовлида ҳеч ким йўқ эди. Мен ҳам улар билан бирга боришимга тўғри келди. Жайрон кўзли синглимнинг атрофдагиларга ёлвориб, илтижоли боқишлари ҳали-ҳануз кўз олдимдан кетмайди. Тажрибали Наташа хола адашмаганди. Таҳлиллар текширувидан Мадина сариқ касалининг «б» формаси билан оғригани маълум бўлди. Ўшанда онамнинг бўлари бўлганди. Касалхонага етгач, таксидан тушдик. Онам бўлиққина синглимни қўлида кўтариб, мени етаклаб катта йўлдан ўтаётганимизда машина уриб кетаёзди.

— Қаёққа югурасан, жувонмарг бўлишингларга сал қолдию, аҳмоқ! Сенларни деб қамалиб кетсам, беш боламни ким боқади?!

— Кечиринг, ака, болницага шошаётувдик...

Ҳайдовчининг раҳми келди, шекилли, гапни кўпайтириб ўтирмади ва газни босди.

Касалхонада беморларнинг кўплигини кўриб, капалагимиз учди. Адашмасам, исми Жаннат эди, шекилли, бош шифокорнинг беписанд, бепарво гапсўзлари онамни жонига ташна қилиб юборганди.

— Жон опа, гапнинг бўларини айтсангиз?!

— Болангизнинг аҳволи оғир, реанимацион ҳолатида, ҳаракатингизни қилинг.

Онам кеча туғилган эмас эди, шифокорнинг дардини англаб, дарҳол дадамга сим қоқди. Тақдир тақозоси билан гарчи бирга яшамаса-да, дадам бизни ҳеч қачон ташлаб қўймаган. Эртасигаёқ самолётда учиб келди. Ўшанда дўхтир холанинг онамга ялтоқланишини кўрсангиз эди, эсимга тушса, ҳозир ҳам ижирғаниб кетаман. Яратганга шукрки, Мадина тузала бошлади.

— Бир йилгача парҳезни маҳкам ушланг, — деб тайинлади шифокор.

Онам парҳезни бир эмас, олти йилга чўзди. Ўтган йиллар мобайнида уйимизда ўта ёғли, қовурилган таомлар тановул қилинган эмас. Онам паловнигина қовурар, Мадинага дамланган ошнинг тепасидан бир чўқим солиб берарди. Хонадонимиз таомномасидан буғда пиширилган ва димланган овқатларгина ўрин олганди. Бу одатга шу даражада қўникиб кетдимки, ҳозир ўзим бир рўзғор соҳибаси бўлсам-да, қовурма, холестеринни кўпайтирма, деган овоз ичимдан эшитилгандек туюлади ва онам сингари таом тайёрлашга ҳаракат қиламан. Бу соғлик учун муҳим.

Болалигимизда онам талай касалликларга қарши бизни эмлаттирган, демак, ўшанда сариқ касаллигига қарши вакцина бўлмаган. Бўлганда, онамнинг назаридан четда қолмасди. Боғча опасининг қўлидан ўғлимни олдиму, болалар шифокори ҳузурига шошилдим...

Азиза АҲМАДЕЕВА,
журналист

Ishonch
2014-yil 27-may № 64 (3413)

■ Халқаро турнир

Ўзбек қизлари шоҳсупада

Тошкентда бадиий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичи ва «Happy Caravan» халқаро турнири якунланди

Халқаро гимнастика федерацияси шафелигида Ўзбекистон гимнастика федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган нуфузли мусобақаларда Ўзбекистон, Хитой, Жанубий Корея, Япония, АҚШ, Чехия, Латвия, ЖАР, Малайзия, Мексика, Россия, Озарбайжон, Арманистон, Беларус, Ветнам, Исроил, Ҳиндистон, Италия, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатлардан 100 нафардан зиёд гимнастикачи ғолиблик учун баҳслашди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, айниқса, қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мамлакатимизда қизларга хос спорт турлари, жумладан, бадиий гимнастиканинг жадал оммалашишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юртимизнинг турли ҳудудларида барпо этилган замонавий спорт мажмуалари, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида бадиий гимнастика тўгараклари фаолият юритмоқда. У ерда нафис спорт турининг сирларини ўрганаётган гимнастикачи қизлар жисмонан ва маънан соғлом улғайиш баробарида, нуфузли мусобақаларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган етук спортчилар бўлиб тарбияланмоқда.

Бу пойтахтимиздаги Бадиий гимнастика бўйича болаларўсмирлар республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари спорт мактабида ўтказилган бадиий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичи ва «Happy Caravan» халқаро турнирида яна бир бор ўз ифодасини топди.

Уч кун давом этган мусобақалар сўнггида яккаликлар ва гуруҳлар ўртасида гимнастика предметлари ёрдамида машқ бажариш бўйича баҳслар ўтказилди. Гимнастикачи қизларнинг халқа, тўп, булава ва тасма билан машқ бажариши, ижро маҳорати, мусиқа ва ритмни ҳис этиши, чаққон ва нафис ҳаракатлари мухлисларга завқ бағишлади.

«Happy Caravan» халқаро турнири гуруҳлар ўртасидаги алоҳида гимнастика предметлари ёрдамида машқ бажариш бўйича ўтказилган финал мусобақасида гимнастикачиларимиз муносиб иштирок этди. Булава ва халқа ёрдамида машқ бажарган Комила Рустамова, Фарангиз Аҳмедова, Сабрина Рамазонова, Гўзал Райманова, Ирина Салех ва Карина Тоғаевадан иборат гуруҳ олтин ва кумуш медални қўлга киритди. Мазкур баҳсларда Асал Аҳмедова, Саида Давидова, Нигина Қудратуллаева, Юлия Нуштаева ва Елена Грубовадан иборат гуруҳ иккита бронза медал билан тақдирланди.

Халқаро турнирнинг яккаликлар ўртасидаги баҳсларида иқтидорли спортчимиз Анора Давлатова булавада, Нилуфар Шомуродова тўп билан машқ бажаришда бронза медални қўлга киритди.

«Happy Caravan» халқаро турнирида Россия, Озарбайжон, Исроил ва Хитой терма жамоалари аъзолари ҳам ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди.

Бадиий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичи мусобақасида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Елизавета Назаренковага булавада машқ бажаришда бронза медал насиб этди.

Тантанали маросим таниқли санъаткорлар ижросидаги концерт билан якунланди.

Б.АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири.

Суратда: «Ўзбекистон» жамоаси аъзолари.

ЎзА фотомухбири Муҳаммад АМИН олган сурат

СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

■ Оммавийликдан — маҳорат сари

«Жиззах электр тармоқлари корхонаси» ОАЖ касаба уюшма қўмитаси томонидан соҳа ходимларининг спорт мусобақаси уюштирилди. Беллашувларда 16 та жамоа мини футбол, шахмат, шашка, енгил атлетика бўйича баҳслашди.

Ҳар жиҳатдан самарали

Мини футбол бўйича Марказий хизмат, Жиззах шаҳар электр тармоқлари корхонаси, Янгиобод туман электр тармоқлари корхонаси жамоалари кучли учликни ташкил этди. Шахматда пахтакорлик Орзиқул Гургибоев, янгиободлик Тўйчи Суярқулов, зоминлик Баҳром Бойжигитовнинг қўли баланд келди.

Шашка бўйича ғаллароллик Ҳусан Холмуродов, жиззахлик Ҳаким Усанов, янгиободлик Исломқул Облобердиевларнинг устунлиги эътироф этилди. Енгил атлетиканинг югуриш баҳсларида зарбдорлик Сирож Равшанов, зафарободлик Самандар Равшанов, ғаллароллик Илҳом Жўраев шоҳсупадан жой олди.

— Бундай спорт тадбирлари корхонамизда мунтазам ўтказилади, — деди касаба уюшма қўмитаси раиси Илҳом Ўринов. — Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш орқали меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини оммавий спортга жалб қилиш ҳар жиҳатдан ўз самарасини бермоқда. Бугунги тадбирда ҳам 195 нафар ҳамкасбимизнинг фаол иштироки фикримизни исботлайди.

Ғолиблар корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг диплом ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Абдуманнап АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

■ Ҳамкорлик

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши ва «Ватанпарвар» ташкилоти ўртасида ҳамкорликда кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Таъкидлаш жоизки, «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши бошланғич ташкилоти томонидан ходимларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш, меҳнат муҳофазасини йўлга қўйиш, шарт-шароитлар яратиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

«Ватанпарвар»да спартакиада

Бунда ёшларнинг вақтларини мазмунли ўтказиш, улар ўртасида ҳарбий, техник ва амалий спорт турларини ривожлантириш мақсадида ҳарбий қисмлар билан ўзаро ҳамкорликка катта эътибор қаратилмоқда.

Яқинда «Ватанпарвар» ташкилоти Бухоро вилоят кенгаши тизими клублари ўртасида XI вилоят спартакиадаси бўлиб ўтди.

Қизғин баҳслар якунида Бухоро нефт-газ, Бухоро банк ва иқтисодиёт коллежлари ва Қоракўл тумани ватанпарварлик клуби жамоаси ғолиб ва совриндор бўлди.

Ғолибларга ташкилотчилар томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Б.САИДОВ,
Тармоқ касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши раиси

СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

■ Кўргазма

Неча кунки Бадиий академиянинг Халқаро маданият карвонсаройида моҳир кулол-рассом Назира Қўзиеванинг «Баҳорнинг сокин хушбўй ифори» деб номланган кўргазмаси таъсирида яшаяпман.

Н.Қўзиеванинг юзлаб асарлари Савицкий номидаги Нукус давлат санъат музейи, Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги кўргазмалар дирекцияси, Япония, Франция, Англия, Корея, АҚШ, Миср, Германия, Хорватия, Россия давлатларидаги шахсий коллекцияларда намойиш этилган. У кўплаб республика ва халқаро кўргазмалар иштирокчиси ва ғолиби. 2012 йилда «Шуҳрат» медали билан тақдирланган.

Баҳор ифори

Ял-ял ёниб турган сопол идишлар, ҳайвонлар шакл-шамойили ўзига хос тарзда ифодаланган ҳайкалчаларни кўриб, кулол-рассом опамизга тасаннолар айтасиз.

Назира опа бундан уч йил олдин Хитойда ташкил қилинган «Дунё рассомлари» мукофоти соҳиби, Бишкек шаҳридаги «Тасвирни аёл нигоҳи ила кўриш» халқаро кўргазмаси совриндори бўлган, «Тошкент амалий безак санъатининг энг истеъдодли рассом аёли» дипломи билан тақдирланган. «Қўли гулдир ўзбек аёлин» республика кўргазмасида «Энг яхши кулол» дипломини қўлга киритган.

— Бой миллий қадриятларимизни санъатим билан бироз бўлса-да ифода қилсам, ғурурланаман. Ижод қилгим келаверади, — дейди опа.

Дарвоқе, жаҳоннинг 20 дан ортиқ давлатида Назира Қўзиеванинг жозибадор, миллий менталитетимизга хос ижод намуналари намойиш этилмоқда. Бу эса ўзбек кулолчилик санъатининг улкан ютуғидан далолат беради.

Кўргазмадан бир олам таассурот билан ортга қайтар эканман, юртимизда Назира Қўзиевадек истеъдод соҳиблари кўплигидан кўнглимда ғурур туйдим.

Мурувватхон КАРИМЖОН қизи,
ЎзДЖТУ талабаси

■ Санъат

Юртимизда ёшларнинг истеъдодини тарбиялайдиган ўқув даргоҳлари бисёр. Шундай масканлардан бири Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатидир.

«Ўзбекистон болалар нигоҳида»

Бу ерда ўқувчилар тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, наққошлик, ганчкорлик, китоб графикаси, мусиқа каби бир неча йўналишларда маҳоратли устозлардан таҳсил олишмоқда. Уларнинг ижодий маҳоратини синовдан ўтказиш ва энг иқтидорлиларни рағбатлантириш мақсадида турли танловлар ўтказиб келинади. Жумладан, яқинда Икуо Хираяма Халқаро маданият карвон саройида ўтказилган танлов-кўргазма «Ўзбекистон болалар нигоҳида» деб номланди. Унга 1-синфдан 4-синфгача бўлган ўқувчиларнинг 100 дан ортиқ ишлари қўйилди.

— Ўқув масканимизга 1-синфдан имтиҳон асосида қабул қилинади, — дейди бошланғич синфлар услубчиси Саодат Мўминова. — Бундан мақсад боланинг оз бўлсада, рассомликка қобилиятини аниқлаш ва кейинчалик уни тўғри йўналтира билишдир. Мактабимизда иқтидорли болалар кўп. Айниқса, ўқувчилар Азиза Ҳожитоева ва Мафтуна Туроповадан умидимиз катта.

Танлов-кўргазма якунида энг яхши ишлари учун Зулфия Муҳаммадова, Нилуфар Ҳайдарова, Асрор Расулов, Элинора Юмаева, Руфина Хусниддинова ва Робия Отабекова Халқаро маданият карвон саройи дипломи ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Кумушбиби ЭРМАМАТОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

«БИТИРУВЧИ ҚАЛДИРҒОЧЛАР — МАКТАБГА»

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 336-мактабгача таълим муассасасида «Битирувчи қалдирғочлар — мактабга» мавзуида тадбир ўтказилди.

— Бир қатор кичкинтойларни таълимнинг кейинги босқичи томон учирма қилаяпмиз, — дейди тарбиячи Гули Муҳаммадалиева. — Муассасамизда олган билимлари, чет тилларидан олган сабоқларини бугунги тадбирда турли чиқишлар билан намоён этган болажонлардан келгусида мамлакатимиз ривожига ўз ҳиссасини қўшадиган етук кадрлар чиқишига ишонамиз.

Болажонлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқ, саҳна асарлари тадбирга ўзгача файз киритди.

Аҳмад ТЎРА олган сурат

■ Касаба сайр

Кўнглимиз тоғдек кўтарилди

Зиёрат инсон кўнглини поклайди, дейишади. Дарҳақиқат, мўътабар масканларга ташриф қалбга куч-қувват, руҳий юксалиш ато этади. Яқинда Наманган туманилик 40 нафар саёҳатчи ҳам шундай ҳисни туйди.

Самарқанду Бухорони бир бора кўришни орзу қилмайдиган инсон бўлмаса керак. Бу ерларда бўлган кишини эса аллақандай ришта яна қайта чорлайверади. Кейинги йилларда юртимизга, хусусан, тарихий шаҳарларимизга ташриф буюрувчи сайёҳлар оқими кескин ошаётганлиги ҳам шундан далолат.

Ўз навбатида, биз ҳам Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг туризмни янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорини амалда бажариш юзасидан аъзоларимизнинг тарихий шаҳарларга саёҳатларини уюштириб, мароқли дам олишларига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Жумладан, Федерация Кенгаши тизимидаги «Касаба сайр» шўъба корхонаси билан ҳамкорликда туман таълим муассасаларидаги меҳнат фахрийлари, кам таъминланган оила вакиллари, ўз касбининг моҳир усталари ва касаба уюшма фаолларининг Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларига саёҳатини ташкиллаштирдик.

Буюк аждодларимиз томонидан барпо этилган тарихий обидалар, замонавий иншоотларни томоша қилиш давомида қалбимизни чексиз ғурур эгаллаб олди.

Бир неча кунлик саёҳат давомида ҳар бир сайёҳ алоҳида меҳр-эътибор оғушида бўлди. Бундай сайрни амалга оширган ташкилотчиларга қайта-қайта раҳмат айтиб, бир олам таассурот билан ортга қайтдик.

Акмал УСМОНОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Наманган туман кенгаши раиси

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: N.Umarova

Bosishga topshirish vaqti -20.00
Topshirildi - 20.20

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 518 | 20737 nusxada bosildi | 1 2 3 4